


Махсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«ХОНҚА ҚОП» МАХСУЛОТИГА ТАЛАБГОР КЎП

Хоразм вилояти Хонқа туманидаги «Хонқа қоп» масъулияти чекланган жамиятида 80 нафар йигит-қиз меҳнат қилаяпти. Йилига 10 миллион дона қоп ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада Хитой технологияси асосида арзон, пишиқ ва харидорғир қоплар тайёрланмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ёруғ, озода, қулай цехларда компьютерлар ёрдамида дастгоҳларни бошқараётган оператор ва тўқувчиларнинг нигоҳларида истиқолга шуқроналик ифодалари барқ уриб турибди.

Суратларда: илгор тўқувчи Юлдуз Аллабергенова; хомашё тайёрлаш цехи оператори Сарвар Хамроев бошқарув пулти ёнида; цехларда дастгоҳлар бир меъёрда ишлаб турибди.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.




ЯПОНИЯ
ҲУКУМАТИНИНГ
НАВБАТДАГИ
ГРАНТИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА муҳбири Н.Ўлжабоев). Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида бегараз ёрдам кўрсатиш бўйича ноталар алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Хужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзо чекди. Қиймати 230 минг АҚШ дол-

ларига тенг биринчи лойиҳага биноан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг лингафон кабинети замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Урта махсус ва касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга мўлжалланган лойиҳа доирасида эса Асака, Бешкент, Бухоро, Наманган, Нукус, Тошкент, Урганч, Ургут ва Қўқон шаҳарларидаги касб-хунар коллежлари негизинида 16 йўналиш бўйича педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини ташкил этиш ҳамда Урта махсус ва касб-хунар таълимининг ривожлантириш институтининг услубий негизини яхшилаш, техникавий жиҳозлаш режалаштирилган. Махсус лойиҳа учун Япония ҳукумати томонидан 6,4 миллион долларлик маблағ ажратилди.

CARELIFT INTERNATIONAL КЎМАГИ



Республика шашлиқчи тиббий ёрдам марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда «Carelift International» компанияси Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятидаги тиббий ёрдам марказларига 120 минг АҚШ долларига тенг технология ускуналари ва дориндордонлар тақдим этди. Расмий маросимда компаниянинг бош ижрочи директори Деннефри Глосс, республика Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев ва халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги маслаҳатчиси Андреас Тамберг иштирок этди.

Шухратжон ОХУНЖОНОВ

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ
ҚУВАЙТДА ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қувайт Давлатига расмий ташрифи арафасида мамлакат пойтахти — ал-Қувайт шаҳридаги «Шератон» меҳмонхонасининг маросимлар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг янгидан араб тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Қувайт Давлати қатор вазирлик ва муассасалари, илмий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари ҳамда халқаро ташкилотлар, хорижий дипломатик ваколатхоналар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари И.Эргашев тақдимот маросимини очар экан, давлатимиз раҳбари китобда кўтарилган муҳим масала ва муаммолар бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаб, халқаро терроризм ва диний экстремизм таҳдидларига қарши жаҳон ҳамжамияти савий-ҳаракатларини ўзаро бирлаштириш ва яқдил курашиш борасида ушбу китобда илгари сурилган ғояларнинг тўғрилигини ўтган вақт ва сўнгги йиллар воқелиги яққол намоян этганини кўрсатиб ўтди. Маросимда иштирок этганлар, хусусан, АҚШнинг Қувайтдаги дипломатик ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Франк Урбаншикнинг фикрича, мазкур китобда нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасининг келажақ тараққиёти таъминини белгилаб берилган, балки дунё давлатларининг бугунги кунда дуч келаятган мураккаб муаммолари, халқаро терроризм, диний экстремизмга қарши курашиш, минтақавий инқилозлар ва хавфсизликни таъминлаш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Иорданиянинг Қувайтдаги элчиси Муҳаммад ал-Қурьоннинг таъкидлашича, ушбу китобда жаҳон мамлакатлари учун миллий хавфсизлик тушунчасининг нечоғлик долзарблиги акс эттирилган. 2001 йилнинг сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари, ундан кейинги даврда халқаро террорчиликка қарши курашнинг кучайтирилиши мазкур китобда ифода этилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаётийлигини яна бир бор тасдиқлади. Маросимда қатнашган Қувайт ишбилармонлари вакилларидан бири, мамлакатда катта нуфузга эга «Ал-Қаттами групп» компанияси вице-

ЎБАЧЎЛИДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

Когон туманидаги зиё масканларининг сони яна биттага кўпайди. Ўбачўли қишлоқ фуқаролар йиғини худудда 180 ўринли мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унга кетган сарф-харажат Баҳоуддин Нақшбанд номли ширкат хўжалиги ҳисобидан қопланди. Янги мактабда Чолони ва Калликон қишлоқлари болалари ўқишади.

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

КИМЁ СANOАТИ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АГРОКИМЁ ХИЗМАТИ
КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш соҳасида интизомни мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга қарамадан аҳвол қониқарсизлигича қолимоқда. Ўтказилган текширишлар вақтида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Ўзқишлоқхўжалик-кимё» давлат акциядорлик компанияси ва унинг худудий корхоналари томонидан шартнома ва молия интизомининг жиддий бузилиши, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ҳоллари аниқланди.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг яхлит тузилмасини яратиш, уларнинг қишлоқ хўжалигига etkazиб берилганлиги учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, худудий агрокимё хизматларининг масъулиятини ошириш, улар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзқишлоқхўжалик-кимё» давлат акциядорлик компанияси акциядорлари, «Қишлоқхўжалик-кимё» худудий акциядорлик бирлашмалари ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси» акциядорлик жамиятининг: «Ўзқишлоқхўжалик-кимё» давлат акциядорлик компаниясини тугатиш; «Қишлоқхўжалик-кимё» худудий акциядорлик бирлашмаларини, уларни «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига берган ҳолда, «Қишлоқхўжалик-кимё» худудий акциядорлик жамиятларига айлантириш; «Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси» акциядорлик жамиятини, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах ва Бухоро ви-

лоятлари чигирткага қарши курашиш экспедицияларини, Республика агрокимё станциясини, Республика ўқув-ишлаб чиқариш биологикасиясини, Зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича диагностика, прогноз ва биометод Республика ва худудий лабораторияларини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасаруфига бериш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин. 2. Қуйидагилар «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг асосий вазирлиги этиб белгилансин: кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сисъати ўтказиш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш; қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларига, шунингдек иқтисодиёт бошқа тармоқларининг рақобатбардошли кимёвий маҳсулотларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларининг маркетинг тадқиқотлари-

ни олиб бориш ҳамда уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш; тармоқчи ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, рақобатбардошли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган ўртача муددатли ва узоқ муددатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ҳар йилги баланслари ишлаб чиқилишида қатнашиш; минерал ўғитлар ва дефолиантларни сотиш бўйича ҳар йилги ярмарка савдолари ўтказилишини ташкил этиш; хорижий ва Ватанимиз инвесторларини жалб этган ҳолда кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш; менежментнинг замонавий усулларини эгаллаган ва бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган муҳандис-техник кадрлар ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. 3. «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва ходимларининг умумий чекланган сони 85 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 56 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси; «Қишлоқхўжалик-кимё» худудий акциядорлик жамиятларининг, уларнинг туманлараро ва туман филиалларининг намунавий тузилмалари тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда.)

Анжуман
СЕРТИФИКАТЛАР
БЕРИЛДИ



Ҳақ-хуқуқни англаш — инсон ўзини, ўзлигини танишидир. Демак, киши ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик шуури кенг, билими кучли бўлса жамиятда тутган ўрни ва мавқеи ҳам кучли бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш марказида АҚШ элчихонаси кўмаги ва савий-ҳаракати билан «Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш тўғрисида аҳолининг хабардорлигини яхшилашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти» мавзусида икки кунлик илмий-амалий семинар-ўқувнинг ўтказилишидан кўзланган мақсад ҳам аслида шу. Семинарда ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаятган республика ОАВ журналистлари билан бирга халқ таълими вакиллари Е.Абляева, Е.Плешакова, Бош прокуратура матбуот маркази бошлиғи С.Ортиқова, АҚШ элчихонаси ахборот, таълим ва маданият бўлими вакиллари Д.Хансикер, Э.Муродова, «Истиқбол авлод» ахборот-маърифий маркази раҳбари Н.Каримовалар иштирок этишиб, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сўзга чиққанлар давлатнинг ҳуқуқий демократик ўзгаришлардаги ўрни, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, матбуот ва демократия масалаларига алоҳида эътиборни қаратдилар. Семинар-ўқув якунида ўзининг ҳуқуқий соҳада билими ва иқтидорини, тиришқоқлигини намоян этган қатнашчиларга «Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» деган халқаро миқёсдаги сертификатлар берилди. Маъмурият ҚИМОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Буюк Британия элчихонаси ўз веб-сайтининг янги талқинини маълум қилди. У www.britain.uz деб аталади.

Янги веб-сайтга кириб Бирлашган қироллик ҳақида, Буюк Британия

БРИТАНИЯ
ЭЛЧИХОНАСИ
ВЕБ-САЙТИ

Ўзбекистондаги элчихонасининг фаолияти ва вазифалари хусусида кўпдан-кўп маълумотларни билиб олиш мумкин. Шунингдек мазкур сайт орқали Британия ҳукуматининг бошқа кўплаб сайтларига ҳам кириш мумкин.

Янги веб-сайт тўрт бўлимдан иборат. Улар «Хизматлар», «Савдо ва инвестиция», «Биз хақимизда», «Буюк Британия ва Ўзбекистон» номлари билан аталади.

Айни пайтда веб-сайт инглиз тилида фаолият кўрсатмоқда. Теоз орада унинг рус тилидаги талқини ҳам иш бошлайди.

«Туркистон-пресс»

Барча қулайликларга эга бўлган бу мактабда замонавий синфхоналардан ташқари ошона ва спорт майдончалари ҳам мавжуд. Даврон БАҲРОНОВ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АГРОКИМЁ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда.)

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган 13 кишидан иборат Компания кенгаши «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компаниясини бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

«Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисига зарурият бўлганда ва Компания кенгаши билан келишган ҳолда ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида Компания бошқариш ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилансинки, «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви 4 кишидан, шу жумладан раис ва унинг 3 нафар ўринбосаридан иборат бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари юқори бошқарув органи томонидан сайланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда маънавий таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра раис вазирига, биринчи ўринбосар — вазирига биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса — вазири ўринбосарларига тенглаштирилади.

4. Белгилансинки, «Қишлоқ-хўжаликкимё» Қорақалпоғистон республика ва вилоят акциядорлик жамиятлари бошқаруви раислари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг тақдимномасига кўра «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси томонидан лавозимга тасдиқланади.

5. Белгилансинки, «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари: юридик шахс сифатида ташкил этилади ва «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси таркибига қиради; ўз туманларо ва туман филиаллари орқали тегишли ҳудуд бўйича ҳақуқий талабни ўрганадилар, бююртманларни умумлаштириш ҳамда пировард истеъмолчилар — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан минерал ўғитлар ва ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг аниқ турларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузадилар;

ҳар йили 1 октябрдан кечикмай, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг бююртманларини умумлаштириш асосида республика вилоятлари бўйича минерал ўғитлар ва ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ватанамиз ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш бўйича келгуси йил дастурини ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси-

га тақдим этадилар.

6. Куйидаги тартиб белгилансин, унга кўра: 2004 йилдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан минерал ўғитларнинг асосий турларини ва дефолиантларни улгуржи сотиш юзасидан шартномалар (контрактлар) тузиш ҳар йили ўз маҳсулотларининг кўргазмасотувини ташкил этган ҳолда ярмарка савдоларида амалга оширилади;

минерал ўғитлар ва дефолиантларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчилар — бир томондан, улгуржи харидорлар — «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва маҳсулотнинг бошқа улгуржи истеъмолчилари — иккинчи томондан ярмарка савдолари катнашчилари ҳисобланадилар; шартномалар тузиш ҳамда минерал ўғитлар ва дефолиантларни сотиш бўйича ярмарка савдолари ҳар йили, прогноз йилдан олдинги йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ўтказилади.

Кўрсатиб ўтилган вазирига амалга ошириш учун:

«Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати тузилмасида минерал ўғитлар ва дефолиантлар ярмарка савдоларини ташкил этиш бўлими ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка кўмитаси ташкил этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига, Иқтисодиёт вазирига «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига, бошқа маънавий идоралар билан биргаликда Бююртманларни шакллантириш, ярмарка савдоларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш ҳамда улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомини бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компаниясининг минерал ўғитлар ишлаб чиқаруви корхоналари томонидан воситачилик шартномалари бўйича ва «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг омборларида жавобгарлик остида сақлаш учун минерал ўғитлар жўнатиш тақвқансин.

«Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси кенгаши минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга махсус жиҳозланган омборхоналар ажратиш ва бериш масаласини, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сақлаш хавфсизлиги режими қатъий равишда таъминлашини назарда тутган ҳолда, бир ой мuddатда қўриб чиқсин.

8. Белгилансинки, «Қишлоқ-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2004 йил 23 январь

хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг чакана савдо тармоғи орқали деҳқон ва фермер хўжалиқларига сотиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларга қўшилган қиймат солиғи солинмайди.

9. «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси кенгаши бир ой мuddатда: «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, туманларо ва туман филиалларининг фаолиятини мукамал ўрганиб чиқсин ҳамда уларни «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантиришга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, шунингдек уларнинг раҳбарлари аттестациядан ўтказилишини таъминласин;

«Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси ижро этувчи аппаратининг штатдаги ходимлари сонини қайта қўриб чиқсин, уни юқори малакали кадрлар билан бутласин, мазкур қарорни ҳисобга олган ҳолда Компаниянинг янги уставини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирига билан биргаликда «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 январдаги Ф-1893-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус ишчи гуруҳ бир ой мuddатда тугатиш комиссиясини тузсин ҳамда «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компаниясини тугатишга доир тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширсин.

11. Куйидагилар: қалийли ўғитлар етказиб бериш бўйича — «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси; тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шу жумладан илгари тузилган импорт контрактлари бўйича — «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари тугатилаётган «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компаниясининг ҳуқуқий ворислари этиб белгилансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига, Молия вазирига, «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси маънавий идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатлари мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинсинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Меҳрнинг бозори йўқ дейдилар. Ҳар қанча бойлик ҳам унинг ўрнини босолмайди. Юртимизда савобталлаб, етим-есирлар холдан хабар оладиган, саховатпеша инсонлар кўп. Улар ота-она меҳрига зор, кўмакка муҳтожларга ғам-хўрлик кўрсатиб, ўз ёрдамларини аямаётдилар. Жумладан, Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳокими Луқмон Гафоровнинг ташаббуси билан ҳудуддаги жамоатчи, ибратли, эл оғзига тушган оилаларнинг бекалари тумандаги 5-вилоят Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида 30 нафар қизни фарзандликка қабул қилишди. Беш фарзандни оқ ювиб, оқ тараб келаятган туман марказий шифохонаси туғуқ бўлими мудири София Қўқорова Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Фотима-Зухраларни фарзандликка қабул қилди. «Китоб тонги» газетаси муҳаррири Майсара Ҳайдарова, туман ижтимоий таъминот бўлими мудироси Мўссас Абдуллаева ва бошқа оналар ҳам қизларни ўз тарбиясига олишди. Ҳар йили улгайтираётган Сарвиноз Абдуллаева «қизлик» бўлди. Бундан ташқари «Беқасам» фирмаси раҳбари Сайёра Саттороваси ҳам бир қизни ўз тарбиясига олди. Ёшлиғида онасидан айрилган Дилбар Ражабовани фарзандликка қабул қилган «Лола» болалар боғчаси мудироси Нигора Ибодуллаева шундай дейди:

— Уч ўғлим бор эди, мана қизим ҳам бор эди. Қуш тили-

жуда ёш бўлган, етти йилдан бўён тарбиячилари бағрида. У спортга ва шеърятга қизиқар экан. Ўтган йили Самарқанд шаҳрида болалар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича мусоба-

ЎҒҚАН ҲАМ, ТУТИНГАН ҲАМ — ОНА

КИТОБЛИК 29 АЁЛ МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН 30 НАФАР ҚИЗНИ ЎЗ ТАРБИЯСИГА ОЛДИ

ни қуш билади, дейдилар. Қиз болага она меҳри, она маслаҳати нихоятда зарур. Уларни ёшлиғидан одоба, меҳнатга, чеvarликка, ҳаётга ўргатиб бориш керак. Биз энди болалар уйдан тез-тез хабар олиб турамиз. Уларга тутинган эмас, чин оналик меҳрини беришга ҳаракат қиламиз.

Кулиб турар қўзлари, Мулойимдир сўзлари, Панжидандир ўзлари, Меҳрибонлик, Лобар онам...

Бу шеърни ўн беш ёшли Нилуфар Очилова айтиб берди. Унинг онаси қазо қилганида

қаларда 3-ўринни эгаллабди. Уни фарзандликка қабул қилган Лобар Раҳимова асли Панжи қишлоғида туғилган бўлиб, туман халқ таълими бўлимида ишлайди.

— Она меҳри фарзанд учун, айниқса, қиз болалар учун қанчалик азиз эканлигини яхши билман, — дейди Нилуфар Очилова катталардек фикр юритиб. — Лобар онамининг беш фарзанди бор экан, менга ҳам она бўлдилар. Улар билан опа-ука бўлган кетамиз. Улгайсам, ҳарбий бўламан. Чунки Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Али-

мардон Қаюмов ўтган йили Самарқанддаги ҳарбий билим коллежига ўқишга кирди. Таътилга келганларида бизга ўқишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ўн беш ёшли қизалоқнинг ор-

зуларини тинглар эканман, кўнглимдаги ёруғлик тобора равшан тортиб борарди. Кўнгли ўқис болалар Ватан қадрли, халқ муруватини қалбдан ҳис қилишди. Очиғи ҳам шу.

— Меҳрибонлик уйимиз 1958 йилда ташкил топган, — дейди директор Тоштемур Сатторов. — Мен ҳам ота-онамдан етим қолган, шу жойда тарбияланганман. Ўқиб, олий маълумотли бўлдим. Қасбим ўқитувчи. Бу ерда икки йилдан бўён раҳбарлик қиламан. Уч нафар фарзандим бор. Уларнинг ҳам мендек ота-она меҳрига муҳтож бўлиб

ўсишини хоҳламайман. Меҳрибонлик уйидаги 110 нафар тарбияланувчининг барчасини ўз фарзандимдек кўраман. Улар учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Бош ҳимиймиз «Муборакнефтьга-конлари» бошқармасининг кўмаги билан мактаб, ётоқхона ва ошхона таъмирланди. Шинамгина спорт залимиз бор. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан ўтган йили ётоқхона ва ошхонамизга янги, замонавий мебеллар берилди. Бу ерда болалар ўқинмайди. Уларга қўшимча шароит яратиш мақсадида сузиш ҳавзаси қурилиши лойиҳа-лаштирилди. Бундан ташқари саховатли инсонлар ҳам ўз ёрдамларини аямаётди. Масалан, қаршилик тадбиркор С.Қамолов ўз ҳисобидан ўқув қуроллари совға қилди. Бир кўнглини овламоқ ҳаж сафаридан улуг, деган нақл бор. Меҳр-муруватнинг чегараси йўқ. Болалар уйининг 30 нафар мураббий ва ўқитувчиси қаторига энди яна 29 она қўшилди. 30 нафар қизалоқнинг тутинган оналари...


Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Баркамол авлод орзуси

Тошкент вилоятидаги Оҳангарон санот касб-ҳунар коллежи бундан икки йил олдин фойдаланишга топширилган. Ушбу билим маскани 750 ўринга мўлжалланган бўлиб, талабалар: санот корхоналари ва фуқаро иншоотларидаги электр-монтаж ишлари, тижорат фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ҳамда санот машиналари ва ускуналарини таъмирлаш, улардан фойдаланиш каби ихтисосликлар бўйича таълим олмақдалар. 50 та фан кабинети, замонавий компьютер ва лингафон хоналари, лабораториялар, муҳташам спорт зали, кутубхона, ошхона ҳамда юз ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрида.

— Ўтган йили дастлабки биттирувчиларимиздан 175 нафари коллежимизни тамомлади, — дейди билим юрти директори Абдулҳамид Бекмуродов. — Ўқиб амалиёт билан бирга оқил бўрилиб, юқори курс талаблари шартнома асосида корхона ва ташкилотларга юборилмоқда. Бу эса улар учун ҳам амалий, ҳам моддий имкониятдир.

— Коллежимизда сиртки бўлим ҳам ташкил этилган бўлиб, унда Янги Ангрен



ГРЭСи, «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент», «Эйвалекмаҳсулотиребетон», «Оҳангарондон» каби санот корхоналари ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иккинчи касбни ўрганишмоқда.

Суратларда: коллеж биноси кўриниши; 1-курс талабаси Дилрабо Эшбоева кимё амалиёти пайтида.

Сарвар ЎРМОҢОВ (ЎЗА) олган суратлар



«ЭКОСАН» ПОЕЗДИ НУКУСДА

Янги йилнинг кўтаринки руҳи билан нафас олаётган нукусликлар яқинда яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди.

Улар халқаро экология ва саломатлик «Экосан» жамғармасининг акция поездини пойтахт темирйўли шох бекатида шодёналик билан қарши олишди.

— Оғир экологик шароитда яшаб ва меҳнат қилаётган бу ўлка аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бизнинг асосий мақсадимиздир, — деди «Экосан» жамғармасининг биринчи вице-президенти Қарбай Кўчумов. — Меҳр ва муруват йили муносабати билан поездимизни «Саломатлик ва муруват поезди» дея янгича номладик. Жамғарманинг бу юртга янги йилдаги илк ташрифи бўлиб, поездда 30 миллион сўмдан зиёд дори-дармон, кийим-кечак олиб келинган. Бундан ташқари «Экосан» шифокорлари аҳоли саломатлигини кўридан ўтказиб, зарур тиббий ёрдам кўрсатишни режалаштирилганлар.

Олиб келинган совға-саломлар Хўжайли, Нукус, Тахта-тош шаҳарлари ва Хўжайли, Чимбой туманларидаги меҳрибонлик уйларида топширилди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

Мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланишида республика Кўчмас мулк биржасининг алоҳида ҳиссаси бор. Биржа ўтказиб берилган оқиқ-ауқцион, танлов ва биржа савдоларида давлат мулкни хусусийлаштириш орқали паст рентабелли ёки қарздор корхоналардан ўз ёрдамини аямаётди. Жумладан, йирик иншоотларни сотиш, асосан, биржа савдолари орқали амалга оширилмоқда. Шунинг учун РКМБ Самарқанд филиали бундан кейин ҳам брокерлик идораларни тармоғини ривожлантириш устида жиддий иш олиб бораётди. Бугунги кунда 6 та брокерлик идораси ўтказилаётган савдоларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган йили Са-

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР БЎЛИШ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИНИНГ МАҚСАДИ

марқанд филиалида 87 та биржа, 32 та аукцион ва 1 та танлов савдолари бўлиб ўтди. Биржа савдоларида 302 та объект 1361024,8 минг сўмга сотилди. Бу жами сотилган объектлар сонининг 26 фоизини ҳамда жами сотилиш баҳосининг 83 фоизини ташкил этди. Аукцион савдолари эса 32 марта ўтказилди. Унда 850 та объект 266958,0 минг сўмга сотилди. Бу биржа сотилган объектлар сонининг 74 фоизини, жами сотилиш баҳосининг эса 17 фоизини ташкил этди.

Вилоятда қурилиши тугалланмаган иншоотларга кетган харажатлар йўққа чиқиси мумкин бўлган ҳолатда уларни тадбиркорларга хусусийлаштириб бериш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. 18610,0 минг сўмга сотилган 4 та ана шундай иншоотда бугунги кунда қурилиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, хўжа-

лик суди қарорларига асосан Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган бюджетдан 5 та объект мулкларни аукцион ва биржа савдоларида 34274,4 минг сўмга сотилди. Йил давомида уй-жой қуриш учун ер майдонларидан пул тушуми режаси 52000,0 минг сўм белгиланган бўлиб, йил сўнггида бу кўрсаткич 76539,7 минг сўмга адо этилди. Бу эса режанинг 147 фоизини ташкил қилди. Кўчмас мулк объектларидан

пул тушуми 433905,6 минг сўмга етди. Яна бир нарсаси: ҳозирги кунда автоулов воситалари эҳтиёжмандларга катта қизқиш уйғотаётди. Шу боисдан, 2003 йилда 32 та автоулов 28775,0 минг сўмга сотилди. Бир сўз билан айтганда, рентабелли ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари қўлпаб тадбиркорлар ҳамда фермер-хўжалиқлари учун зарур моддий-техника базасини яратишда РКМБ савдолари кўл келмоқда.

Филиалнинг яна бир муваффақияти шундаки, у вилоятда барча йирик ташкилотлар, корхоналар билан ишончли ҳамкорлик қилмоқда. Ўтган йил биргина «Ўзметазавотузуаусаноат-холдинг» компанияси тармоғига кирувчи 130 та иншоот 28904,3 минг сўмга, турли хил 1153 та объект эса 1637982,8 минг сўмга сотилди. Улардан 875 таси давлат объектлари, 278 таси эса нодавлат объектлари эди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят филиалининг оммавий ахборот воситалари билан яқин алоқаси ҳам эришилаётган муваффақиятларда омил бўлмоқда. Марказий ва маҳаллий матбуот нашрлари орқали савдолар жаҳдвали, объектлар ҳақида маълумотлар изчил эълон қилиниб боришмоқда. Бу эса кўлга киритилаётган ютуқлар мунтазамлигини таъминлаётди.

Абдураҳмон АҲМЕДОВ,
республика Кўчмас мулк биржаси Самарқанд филиали директори.

26 январь — Ҳиндистон Республикаси миллий байрами

ДЎСТ ТОПИБ БЕРГАН БАЙРАМ

Ҳиндистон шак-шубҳасиз дунёдаги энг гўзал манзарали, аҳолиси энг кўп, ҳудуди энг катта, маданияти энг қадимий давлатлардан бири. Дунё мамлакатлари орасида ўзбек қилмаган юртдошларимиз бўлмас керак. Чунки ўзбек ва ҳинд халқининг ўзаро алоқалари олис мезоэра бориб тақалади.

Ҳиндистонда байрамлар кўп. Деярли ҳар кун байрам. Ҳиндистондаги байрамларнинг байрами бу — Республика кунидир.

Узоқ йиллар давомида эрк ва озодлик учун курашган ҳинд халқи нихоят эзгу, олиғ мақсадига эришди. Мустақил Ҳиндистоннинг Конституцияси 1950 йилнинг 26 январь кунининг 26 январь кунини Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика кунидир, деб эълон қилинди.

Бу байрамда турли халқ ўйинлари, мусика фестиваллари ва театр томошалари бир-бири билан боғланиб кетади.

Ҳиндистон миллий стадионида мамлакатнинг барча штатлари вакиллари иштирокида икки кунлик халқ ўйинлари фестивали ўтказилади. Байрамнинг асосий тантаналари Визит Чоук майдонида ҳам бўлиб ўтади.

1997 йил 26 январь. Бу кун бир умрга хотирамда муҳрланиб қолган. Чунки ўшанда Нью-Дехлидаги Ҳиндистон

Оммавий ахборот воситалари институтида таҳсил олаётган ўзбекистонлик бир гуруҳ талаба-журналистлар қаторида камнага ҳам Ҳиндистон Республикаси миллий байрами — Республика кунидир шодиёналарини кузатиш, томоша қилиш насиб этганиди. Худди шу кун Ҳиндистонлик Амриш ва Юсуф билан танишган эдик. Кейинчалик улар билан шу даражада дўст-инок бўлиб кетдикки, уларникида бир неча бор меҳмон бўлдик, ўз навбатида улар ҳам ётоқхонамизга тез-тез келиб туришарди. Дикқатга сазовор жойларни ва сўзсиз Тох Махални бирга зират қилдик, Ҳайит номозида бирга чиқандик, кутубхоналарига бирга борардик...

Бир сўз билан айтганда, Ҳиндистон ва Ҳиндистонликлар ҳаёти билан яқиндан танишишда ҳамда «Ҳинд сари юзланган» Бобур ва Бобурийлар қолдирган бой меъросни ўрганишимизда шу Амриш ва Юсуфнинг ёрдами кўп теккан эдик.

26 январь — Республика кунини барча Ҳиндистонликлар қаторида менинг дўстларим ҳам шоду хуррамлик билан нишонлашди, албатта. Дўстларнинг шодлигига эса биз ҳам шерикимиз, уларга тилакдошимиз.


Алижон АБДУРАҲМОНОВ

Тасрилот

тектириб кўриб, унда кремний, олтингурут, хлор, кальций, рух, темир ва никелга ўхшаш кимёвий элементлар борлигини аниқлади. Айнқиса, олинган анализларда оли-

Ҳиндистон халқларининг тарихий ва бугунги алоқалари тўғрисида кўп ва хўп гапириш мумкин. 5000 йиллик бой маданий ва маърифий меъросга эга Ҳиндистон тарихида буюк бобокалонимиз Бобур ва Бобурийлар муҳим ўрин тутди. Бу юрда уларнинг улуг хизматлари алоҳида эътироф этилади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳам расмий таширф билан Ҳиндистонда бўлган чоғида икки давлат, икки халқ-



Ўқувчилар норозилиги


Латвия ҳукумати томонидан олиб борилаётган сисётга қарши Ригадаги сейм (парламент) биноси олдида рус мактаблари ўқувчиларининг оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унда «Тайлим тилини эркин танлаш» широнини ўртага ташланди.

Гап шундаки, сейм Таълим тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритиш масаласини муҳокама этиши керак эди. Лойиҳа ҳукумат томонидан маъқулланган. Унга кўра, янги ўқув йилидан бошлаб барча мактаблардаги дарслар фақат латин тилида (рус тили дарси бундан мустасно) олиб борилиши кўзда тутилган. Бу рус ва бошқа миллатли мактаблардаги 90 фоиз дарслар латин тилига ўтирилиши тақозо этади. Шунинг учун рус мактаблари ўқувчилари ўз она тилларида дарслар ўтирилиши талаб қилмоқдалар.

ПРЕЗИДЕНТ ПУЛЛАРИ МАМЛАКАТГА ҚАЙТАРИЛАДИ

Филиппин суди мамлакатнинг собиқ президенти Фердинанд Маркос ҳисоб рақамиданги пуллари (658 миллион доллар) ҳозирги ҳукуматга қайтариш ҳақида қарор қабул қилди. Бу пуллари у мамлакатни бошқараётган пайтда ўзлаштириб олган.

Reuters агентлиги хабар беришича, Маркос 18 йил аввал мамлакатдан чиқиб кетган.



Шарҳ

МАРСДА СУВ БЎЛГАНМИ?

Spirit жўнатган манбаларни ўрганаётган олимлар айнан шу саволга жавоб изламоқдалар

Бундан 19 кун аввал, яъни 4 январда Марс сайёрасига қўндирилган АҚШнинг фазовий аппарати шу кунларда сайёра юзасини таҳлил этиш, намуналар олиш ишларини тўхтайтиб турибди. Негаки, Австралия омонида юз берган қучли момақалдирик ва чақмоқлар шаррос ёмғирини бошлаб келди. Бу эса Spirit билан боғланишга имкон бермапти.

Гап шундаки, AP агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Калифорния штатидаги Пасден шаҳрида жойлашган учинчи бошқариш маркази томонидан жўнатилган сигналлар Канберра (Австралия)даги аппаратлар ёрдамида қабул қилиб олинади ва у ердан Марсга — Spiritга жўнатилади.

Аммо, об-ҳаво нуқуллайлиги ҳозирча бунга йўл бермапти. Бирок, Австралиядаги об-ҳаво яхшиланиши билан Spiritга фаолиятни бошлаш ҳақида буйруқ берилди ва у Марс қатламини пармалаб, ундан яна анализлар олади.

Шу пайтгача олган анализлари эса NASA — АҚШ аэронавтика ва фазо кенгликлари тизимининг миллий бошқармаси олимлари орасида катта шов-шув уйғотди. Spirit вулкони изларини ва қуриб қолган қўл қолдиқларини аниқлаган. Тўғри, олимлар қадимда Марсда сув бўлганлиги ҳақида ҳозирча аниқ бир тўхтама қелганлари йўқ, лекин кейинги таҳлиллар бунга тасдиқлашига умид билдирмоқдалар.

NASAдан хабар қилишлари-ча, Spirit чоршанба кунини биринчи анализларни Ерга жўнатган. У пирамида шаклидаги тошни (олимллар уни Адиронак, деб номлашди)

Украина ва Россияда эса ўқир респиратор касалликлари ва гриппнинг тарқалиши эпидемия ҳолатига ўтди. Жумладан, Украина Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъбуот хизмати хабарига кўра, Донецк, Луганск, Житомир, Ивано-Франковск, Хмельницк, Черкасск, Одесса ва Черновик вилоятларида касаллик тарқалиш даражаси 24,5 фоизни ташкил этмоқда. Хайриятки, ҳеч ким нобуд бўлмади ва бўлмасин ҳам.

Айтишадикки, «соғлиқнинг қадри бошинг ёстиққа текканида билинади», деб. Лекин шу нарса ҳақиқатки, соғлом пайтда ҳам соғлиқнинг қадрига етиш мумкин. Бу эса аввало ўзимизга боғлиқ.

Алиқул СУЛТОН

Болалар спорти

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГИЗ, ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛМАЙДИМИ?

ЗАФАРОБОД ТУМАНИДАГИ 24 ТА МАКТАБНИНГ 14 ТАСИДА СПОРТ ЗАЛИ ЙЎҚ. МУТАСАДДИЛАР ЭСА ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ БИР ЧЕТДА ҚОЛИБ, КЎНГЎЛНИ ХОТИРЖАМ ҚИЛАДИГАН ГАПЛАР, МАВҲУМ РАҚАМЛАРНИ СНАШ БИЛАН ЎЗЛАРИНИ ЎЗЛАРИ АЛДАШАЁТГАНГА ЎХШАЙДИ

Жиззах вилоятининг чўл ҳудудидаги бу туманда 37 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 14 минг 200 нафардан зиёдроғи 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалардир. Мутасаддиларнинг айтишларига қараганда, 10 минг 400 нафардан кўпроқ бола спорт эши, болларини таъмирлаш, мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Айни пайтда 1 та спорт комплекси, 13 та спорт зали, 83 та спорт майдончаси, 1 та гимнастика

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан сўнг туманимизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, янги болалар спорт иншоотлари барпо этиш, болларини таъмирлаш, мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Айни пайтда 1 та спорт комплекси, 13 та спорт зали, 83 та спорт майдончаси, 1 та гимнастика

шаҳарчаси, 1 та теннис корти спорт ихлосмандлари ихтиёрида. Утган йили мактабларнинг спорт залларини таъмирлашга 1 миллион 265 минг сўм, 7 та волейбол ва 8 та мини-футбол майдонларини қуриш ҳамда таъмирлаш учун 17 миллион 350 минг сўм маблағ сарфланди. Болалар спорт мактабига 4 миллион 550 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Даврон УЗОҚОВ, туман ҳокимининг муовини: — Спортчиларимиз вилоят ва республика миқёсида-

ги мусобақаларда иштирок этишяпти, фахрли ўринларни эгаллашяпти. Хатто халқаро турнирларда голиб бўлаётганлари ҳам бор. Туман ҳокимлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда қишлоқ болларининг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўлгайишлари, ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишлари учун шартшароит ва имкониятларни яратиб бераётир. Утган йили шу мақсадда туман марказида «Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси» қурилишини бошлаб юбордик. Қисқа вақт ичида бу ерда 6 миллион 800 минг сўмликдан зиёдроқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Мустақиллик байрамига чаммаму қурилишини нихоясига етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Мўхаммад ТУРДИЕВ, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори: — Мактабимизда спортнинг 5 тури бўйича 586 бола шуғулланади. Уларга 8 нафар мураббий устозлик қилаяпти. Янги тўрақлар очилди ниятимиз бор. Умидли спортчиларимиз оз эмас. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, дейишди. Спорт жиҳозлари етишмайди.

Бундан ташқари, Spiritдаги Athena аппаратларалар тўплами мутахассиси Стив Сквай-резинг айтишича, фазовий аппарат сирпаниб ҳаракатланмоқда. Демак, у юрган қатлам майда кристалл моддалардан иборат. Ерга жўнатилган барча анализлар Spirit кўнган Гусев кратеридан олинган. Анализлар бу жойда аввал шўр кўл бўлган бўлиши мумкин, деган тахминни ҳам илгари суришга асос яратмоқда.

Мутахассисларнинг айтишларича, агар Марс қатламида олтингурут ва хлор элементлари бор бўлса, у ҳолда сульфатлар ва хлоридлар ҳам бўлиши мумкин. Марсдаги таъмир эса ё вулкони отилишидан пайдо бўлган, ёки шўр сув бўлиниб кетган юзага келган. Балки, оливин ва туз-кратерга кўмлли бўронлар оқибатида келиб қолгандир. Негаки, метеоритлар таркибида ҳам оливин борлиги аниқланган. Демак, метеоритлар тушиши оқибатида пайдо бўлгандир.

Қисқаси, олимларни ўйлантиратган саволлар жуда кўп. Уларга жавоб топиш эса Spiritнинг кейинги тадқиқотларига боғлиқ.

Дарвоқе, Spirit Марс қатламидаги тадқиқотларни NASA бюротидаги кўра Ноорганик кимё институтининг профессор Кесар Клингшоффер раҳбарлигида тайёрланган иттиги 500 граммлик митти спектрометр ёрдамида ўтказмоқда. У радиоактив манба ёрдамида гамма нуруларни Марс қатламига йўналтиради ва ундаги кимёвий таркибларни аниқлайди.

Худди шундай асбоб 24 январь кун Марснинг бошқа бир чеккаси-ки кўнниш қутилаётган Opportunity фазовий аппарати ҳам ўрнатилган. Абдуномид БОЗОРОВ

Мутасаддиларнинг бундай гапларидан сўнг болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигига эришиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борадиган ишлар рисоладагидек экан-да, деган ҳудудга келиш ҳеч гап эмас. Аслида ҳам шундаймикин?

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида қишлоқларда, мактабларда, маҳаллаларда бўлдиқ, болалар, ёшлар, катталар билан суҳбатлашдик. Очиғи, кўрганларимиз эшитганларимиздан сўнг ҳафсаламиз пир бўлди. Чунки, мутасаддиларнинг гаплари билан ҳақиқий аҳвол бир-бирига мос келмасди. Хусусан, мавжуд 24 та мактабнинг 14 таси ўз спорт залига эга эмас экан. Энди ўзингиз ўйланг: спорт зали йўқ мактаблардан ўқитилган болалар қиш мавсумида қандай жисмоний тарбия ёки спорт билан шуғулланади? Улар дарсдан кейинги бўш пайтларини қандай ўтказишди?

Туман марказидаги Ж.Тўймурадоев номли 18-мактабнинг спорт зали бор, дейишди. Афсуски, уни кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик. На эшиги ва на деразаси бор бу жойни спорт зали дейишга тил айланмайди. Томи

деган саволларимизга ўқитувчи Невмат Усмонов: «Дарсини ҳаво очиб кунларни залда, ёмғирли кунларда эса сийнфда ўтамиз», дея жавоб қилди. Ташқаридан-да совуқроқ спорт залида устки кийимларини ечмасдан тўп тепаётган болаларни суҳбатга тортамиз.

Зохид БОБОМУРОДОВ, 8-синф ўқувчиси: — Телевизорда кўриб қоламиз. Шаҳарлардаги тенгдошларимиз шароитлари яхши мактабларда ўқишяпти, иссиқ, қулай спорт залларида шуғулланишяпти. Бизнинг улардан қаеримиз кам? Нега бизга эътибор берилмайди? Спорт залимизнинг аҳолини қаранг...

Музаффар ЮСУПОВ, 7-синф ўқувчиси: — Боксга, каратэга қизиқаман. Келажакда спортчи бўлсам, мусобақаларда иштирок этиб, юртимизга олтин медаллар олиб келсам дейман. Лекин қишлоғимизда, мактабимизда шароитимиз йўқ-да...

Бейхитиёр ўйлаб қолсан киши. Юртбошимиз: «Спорт — миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати, спорт — соғлом, баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканки, спорт — ёшларимизни ёмон йўллардан қайтариш, нияти қора кўчлар таъсиридан асрашга хиз-

илма-тешик бўлиб, поллари чириб, ўйилиб ётган бу бинони уялмай-нетмай спорт зали дейиш мумкинми?

Зафаробод кўрғонига 4 та маҳалла бўлиб, уларда жаами 4000 нафарга яқин фуқаро яшагани айтишди. Шуларнинг бири — «Санатчилар» маҳалласида бўлдиқ. Бу ерда болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳеч бир шароит яратилмаган. Болалар тўғри келган жойда 5-10 нафардан бўлиб, тўп тепиб вақт ўтказишмоқда. Бор «шароит» шу.

Нурали САИДОВ, маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Спорт майдончимиз йўқ. Тўғриси, жойимиз бор эди. Лекин бўш тургандан сўнг уни одамлар қўриқиб олишди. Янгидан қурайлик десак, маблағ бўлмагани боис, қўлимиз калталиқ қилаётир. Лекин ниятимиз бор. Яқинда фуқароларимиз билан маслаҳатлашиб, гапни бир ерга қўйдик. Насиб этса, ўзимизнинг спорт майдончимиз бўлади...

Бир пайтлари туман марказига кўрк бағишлаб турган Марказий ўйингоҳга қирамиз. Дарвозаси қийиш қолган ўйингоҳ

ЭҲТИЁД БЎЛИНГ: ПАРРАНДА ГРИППИ ТАҲДИД СОЛМОҚДА

Ер юзида ҳаёт бошланибдики, инсоният касаллик балосидан қутулмайди. Фан, тараққиёт қанчалик ривожланмасин, касалликлар ҳам шунга мослашиб бормоқда ва хатто янги-янгилари пайдо бўлмоқда. Утган йили тарқалган ва дунё олимларини анча саросимага солиб қўйган фанга номаълум SARS («гайри-оддий зотилкаҳ») вируси бунинг исботи. Хайриятки, Хитой олимлари бунга қарши вакцина яратибди. Яқин кунларда уни кўнгилиларда синаб кўришга Хитой ҳукумати рухсат берди. Дарвоқе, вакцина маймуларда синаб кўрилди. Натияжа яхши.

SARS-ку янги касаллик тури. Унинг олдида дастлаб инсоният доғдираб қолганини тўшунуши мумкин. Аммо, «эски» касалликларнинг вақти-вақти билан дунёвий хужрагига сабаб нима, деб ўйланмасиз?

Масалан, Вьетнам, Жанубий Корея, Япония сингари Осиё давлатлари шу кунларда парранда гриппи эпидемиясига қарши оммавий кураш олиб бормоқда. Миллионлаб паррандалар қирилиб кетди. Давлатлар катта-катта зарар кўрмоқда. Негаки, кўпгина мамлакатлар бу давлатлардан парранда гриппи импортини тўхтайтиб қўйди. Кунини кеча эса Япония ҳам Таиланддан парранда гриппи олишни вақтинча тақиқлади. Таиланднинг марказий вилоятларидан бирида ёш болага парранда гриппи «юққан»лиги ҳақидаги хабар тарқалган. Япония зироатчилик, ўрмончилик ва балиқчилик вазирлиги томонидан шундай тадбир жорий этилди.

Шуниси ачинарлики, Таиланд раҳбарияти мамлакатда парранда гриппи эпидемияси тарқалганини шу кунгача яшириб келди. Ваҳоланки, қўллаб товуқ, қурқак оғзалар қирилиб кетаётган ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабарлар босилса-да, бу парранда гриппидан эмас, балки парранда вабосидан шундай бўлмоқда, дея инкор этиб келишди.

Парранда экспортни бўйича дунёда бешинчи ўринда турувчи бу мамлакатда 30 минг товуқ касаллиқдан нобуд бўлди. Профилактика учун яна вирус оққан 850 минг товуқ ва қурқак йўқ қилинди.

Замона заилга кўра парранда гриппи инсон учун ҳам хавфли бўлиб бормоқда. ИТАР-ТАСС маълум қилишича, Вьетнамда айнан шу касаллик туфайли 5 киши оламдан ўтган.

Узи қўнгилида, анкироғи, ўтган ойда АҚШнинг Вашингтон штатида чорва моллари қуриши қайд этилган ва қўллаб давлатлар чорва гўшти импортини тақиқлаган эдилар. Хартугул тезкор дастур ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилгани боис касаллик тарқалиши тўхтайтиб қолди. Кунини кеча Польша мол гўшти импорти бўйича тақиқловни бекор қилди. Reuters берган хабарга кўра, АҚШдан Польшага чорва гўшти импорт қилиш эртадан бошланади.

Алоҳида бир таъкид: шу касаллик туфайли АҚШ иқтисодиёти 3,8 миллиард доллар зарар кўрди. «Кюдо цусин» агентлигининг маълум қилишича, Япония ҳам импорт тақиқловини бекор қилиш арафасида турибди. Фақат бир шартни ўртага ташламоқда — ҳар бир қорамол гўштини текширувдан ўтказиб

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДИССЕРТАЦИЯ МУАЛЛИФЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Маълумки, Олий аттестация комиссиясининг фаолияти юқори малакали илмий-педагог ходимлар тайёрлаш тизimini ишлаб чиқиш ва жорий қилишга, илмий тадқиқот ҳамда ишланмаларнинг давлат йўли билан экспертиза қилинишига ҳамда илмий даражалар ва унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналигини таъминлаш каби бир қатор муҳим вазифаларга йўналтирилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, фаннинг асосий йўналишлари бўйича 120 та ихтисослашган кенгаш тузилган ва улар фаннинг муҳим тармоқлари бўйича диссертациялар ҳимоясини таъминламоқдалар.

2003 йилда мавжуд ихтисослашган кенгашларда 70 та докторлик, 294 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, фаннинг барча тармоқлари ва йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганлиги деб бўлмайди. Масалан, шу даврнинг долзарб муаммолари бўлган банкротлик, инфляция, хусусийлаштириш, солиқ сийосати, рентабеллик, мантқ, ҳуқуқ фалсафаси, сиёсат фалсафаси, фан ва техника тарихи, халқ ҳўжалиги ва ихтисодий таъминотлар тарихи, суд, суд мустиқлигини мустаҳкамлаш, суд ҳокимияти, прокурорлик назорати, адвокатура, музейшунослик, меҳнат психологияси, сиёсий психология, бошқарув психологияси бўйича баъзи диссертациялар сони нисбатан кам, баъзи йўналишлар бўйича эса умуман йўқ.

Мана шу соҳалар бўйича нафақат юқори малакали илмий-педагог ходимлар тайёрлаш масаласи, балки йирик фундаментал изланишларнинг ҳам замон талабидан орқанда қолётганлиги сир эмас.

Илмий жамоатчиликка маълумки, 2003 йилнинг 15-16 май кунлари ОАҚда «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказишнинг аҳволи, муаммолари ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилган эди. Конференцияда ёшларни илм-фанга жалб этиш, бунинг учун республикада иқтисодий магистрлар банкни ташкил қилиш ва уларнинг илм-фанга интилишини рағбатлантириш чораларини қўриш ҳақида фикрлар билдирилиб, йилнинг энг яхши диссертация муаллифини аниқлаш ва уларни тақдирлаш учун моддий маблағ фондини ташкил этиш, диссертацияларнинг камчиликлари, ютуқлари ҳақида маълумотлар бериш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорнинг ижроси бўйича эксперт кенгашлари ўз тавсияларини беришди. Унга кўра ЎзРФА Электроника институти ҳузуридаги Д.015.23.01 ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинган Абдурауф Жўраҳоловнинг «Ҳар хил таркибли монохлоридлар сиртларини ЭВБ — энергияли ионлар билан сирпанувчан урилганда ионлар сочилиши ва тузилиш конъюнктларини компьютерда моделлаштириш усули билан тадқиқ этиш» ва 2-Тошкент давлат тиббиёт институти ҳузуридаги Д.067.09.01 ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинган Сергей Баровскийнинг «Портал гипертензияли беморларда қизилўнғачдан қон кетишининг олдини олиш ва даволаш рентгенонадавскулар амалиётлари» мавзусидаги докторлик диссертациялари 2003 йил — йилнинг энг яхши илмий тадқиқоти деб топилди.

Оби МАЖИДОВ, Олий аттестация комиссияси масъул ходими

Спорт

Шу йилнинг 13-26 август кунлари Афинада XXVIII ёзги олимпиада бўлиб ўтди. Агар бу мусобақа тарихига назар соладиган бўлсак, биринчи Олимпия ўйинлари 1896 йил Афинада расман ўтказилганлигига гувоҳ бўламиз. Орадан 108 йил ўтган, Олимпия ўйинлари яна ўз ватанига қайтди.

Грецияда пайдо бўлган мазкур мусобақага айни пайтда бутун дунёда қизгин тайёрлик кўрилмақда. Мусобақалар бошлангунига қадар махсус Олимпия шаҳарчаси фойдаланишга топширилган кўзда тутилган. Стадионлар, спорт комплекслари, меҳмонхоналар, конференция заллари ва дам олиш мажмуаларига ага бўлган мазкур шаҳарча 17 минг кишини ўз бағрига сиқдириши лозим. Бу ҳудуд бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Аммо таш-

АФИНА ОЛИМПИАДАСИГА ТАРАДДУД ҚАНДАЙ?

килотчилар тайёргарликни рақибсиз, деб баҳоладилар. Ҳатто ўтган йил кузда «Олимпия — 2004» Афинада ўтказилмаслиги мумкин, деган хабар ҳам тарқалган.

Халқро Олимпия кўмитасининг ўтган йил ноябрдаги маълумотномасидан: «Ҳозиргача қурилиш ишларининг атиги 3 фоизи бажарилган. Ташкилий ишлар ҳам анча суст. Спортчилар ва меҳмонларни жойларга тақсимлаш режиси деярли ҳар ҳафта ўзгариб турибди. Тошмабинлар учун меҳмонхоналар тақчил, мавжудлариди эса расмий кишилар учун махсус хоналар етишмайди. Ҳар хил тадбирлар чипталарининг хорижда сотилиши бўйича дастур йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, телевидение билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина. Аслида бунинг

учун 800 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратилган. Ваҳоланки, бу Сидней олимпиадасига сарфланган маблағдан 16,5 фоиз кўп. Энг ачинарлиси, ташкилий кўмита учун ишчилар етишмайди. Мулжалдаги 65 минг кишидан фақатгина 22 минг нафари қурилиш ишларида қатнашяпти.»

Бу каби танқидий фикрлар кўп ОАВларда қайд этилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Олимпия ўйинлари нуфузи ва мамлакат обрўсига путур етиши ҳавфи туғилди. Ниҳоят, ҳукумат эътибори билан чигал вазият ўз ечимини топа бошлади. Қурилиш ва ташкилий ишларда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Атиги бир ойда умумий қиймати 47 млн. евро бўлган 591 мингта яқин чипта сотилди. Кейинчалик ХОҚ вице-президенти Денис

Освальд ҳам тайёргарлик жараидини қониқчи ҳосил қилганини таъкидлади.

Шуни айтиш жоизки, қурилатган хавфсизлик чоралари мақтовга эришгандир. Террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун 750 миллион АҚШ доллари ажратилган. Иншоотларга кириш жойлари очилиш маросимидан 45 кун илгари назорат қилина бошлади. Олимпия шаҳарчасидаги барча бинолар, кўчалар ва бошқа жойлар мунтазам кузатувда бўлади. Хавфсизлик чоралари учун 40 минг нафар полициячи, 10 минг ҳарбий ва радиация-химёвий ҳимоя учун 200 мутахассис жалб этилиши мўлжалланган.

Олимпия ўйинларининг асосий белгиси машъаладир. «Афина — 2004» машъаласи 25 март кун Грецияда ёқилди ва 78 кун давомиди дунё-

нинг энг йирик шаҳарларини айлана, очилиш маросими арафасида Афинага етиб келади. Бу йўналишда машъала 78 минг километр йўл босади ва эстафета тартибиди 3600 спортчи иштирок этиди. Мазкур эстафетага Жанубий Америка ва Африка қитъалари ҳам қўшилиди. Эндиликда Олимпия ўйинлари тарихида биринчи марта машъала бутун дунёни айланади.

Бугунга келиб барча танқидий фикрлар ортада қолди. Қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ёзда Афина 200 мамлакатдан 16 минг спортчини қабул қилади. Мусобақалар спортнинг 39 тури бўйича ўтказилиши ва голибларга 300 тўптам медал топширилиши кўзда тутилган.

Анвар САМАДОВ тайёрлади.



Фарғоналик қандақор Зокиржон Гофуров вилоятда ўз махсуслотлари билан яхши танилган. 1985 йилда расмоччилик билми ортини, кейин эса Тошкент театр ва расмоччилик институти таъмолагач, уста мисгар Мақсуд Мадалиевага шогирд тушиб шарқ миниатюраси санъати сирларини ўргана бошлади. Бугунги кунда бу соҳада ўзининг мустиқ изланишларини олиб бормоқда. **Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат**

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ЮТУГИ

Москвада таэквондо (ITF) бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида йирик халқро турнир низоҳасига етди. Унда Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозғоистон, Греция сингари ўндан ортқ давлатдан олти юз нафар спортчи голиблик учун татамига чиқдилар. Кескин ва мурокасиз ўтган баҳсларда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобиди тўққуз олтин, олти кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритди.

— Республика миқёсиди ўтган қатор мусобақаларда голиб бўлганман, — дейди турнир қатнашчиси Нафиса Жўраева. — Москва турнири мен учун илк халқро турнир ҳисобланарди. Шу боис, мусобақад бор куч-маҳоратини ишга солишга ҳаракат қилдим ва мақсадимга эришдим. Қўриб турганингиздек, юртимизга олтин медал билан қайтаман.

Турнирда иштирок этган ўн икки нафар ёш таэквондочиларимизнинг барчаси голиб ва совриндорлар қаторидан ҳай олганлиги айниқса қувонарлидир. Терма жамоамиз аъзолари Жаҳонгир Норбобов, Улуғбек Жалилов, Алексей Забутин, Шахноза Холқоқова, Регина Валиева, Нафиса Жўраева, Ирода Исмоиловларнинг ҳар бир чиқиши мутахассисларда илқ таассурот қолдирди.



Суратда: Ўзбекистон терма жамоаси

ҚОСИМОВ ЯНА «АЛАНИЯ»ДА

«Пахтакор» ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари футболчиси Миржалол Қосимов ўтган мавсумни Россиянинг «Алания» клубиди яқунлаганидан хабарингиз бор. Кунни кеча интернет орқали тарқатилган маълумотларга қараганда, Миржалол ушбу жамоа билан яна бир йилга шартнома имзолаган.

Шу кунларда владикавказликлар билан Туркияда ўқув-машғулот йиғинларида қатнашётган ҳамюртларимиз маҳорати бош мураббий Ролан Курбис эътиборини қозғонган.

Эркин ХОЛБОБОВ

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «РОУТХАТ АУКЦИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2004 йилнинг 24, 27 февраль ва 2, 5, 9, 12, 16, 19, 23, 26, 30 март кунлари аукцион савдоларини ўтказилади.

Савдоларга Тошкент шаҳри ҳудудиди яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қўйидаги ер участкалариди мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

1. Мирзо Улуғбек тумани, Хусанбоев кўчасиди жойлашган, майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 2 096 000 сўм.

2. Сергели тумани, Сергели ва Қўрғонтепа кўчалари бурчадиди жойлашган, майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 320 000 сўм.

3. Шайхонтоҳур тумани, Каттабўғ 7-тор кўчасиди жойлашган, майдони 0,012 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 082 400 сўм.

Шунингдек, савдоларга Тошкент шаҳри, Яқсаро тумани, Қўшбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 93 кв.м бўлган бино қўйилади. Бошланғич нархи — 6 516 323 сўм.

Аукцион савдолариди қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкалариди савдолар уч кун аввал, бинога савдолар бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдориди закалат пулини «РОУТХАТ АУКЦИОН» давлат унитар корхонасининг «Ўзбекижоймарбаан» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамиди тўлайди.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«РОУТХАТ АУКЦИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2004 йил 20 январь кунни ўтказилган аукцион савдолариди:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ипакчилик институти ҳудудиди жойлашган, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,04 гектардан иборат бўлган 1,25-сонли ер участкалари ҳар бири 900 000 сўмдан, 3-сонли ер участкаси 950 000 сўмга, 4-сонли ер участкаси 1 200 000 сўмга ва 6-сонли ер участкаси 850 000 сўмга сотиладиганин маълум қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз ва немис тиллари бўлими томонидан 2001 йил 6 июнда Иззет Эрджанга берилган 000657 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректорати ва жамоаси институти касабда уюшмаси қўмитаси раиси Азимжон Юсуповга буваси

Уразали БОБО ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Тақдимот

Ўтган йилнинг якунида «Ёшлар» телеканали орқали академик Яхё Фуломовга бағишланган тўрт қисмдан иборат «Умр дафтари» видеофильми намойиш этилди. Юртдошларимизни тарихнинг ўқилмаган яна бир саҳифаси билан таништирган ушбу телекурсувга мухтарам Президентимизнинг олим шаънига айтган «Яхё Фуломов ҳақиқий ватанпарвар эди» деган эътирофлари бош мавзу бўлган.

Олимнинг археология фани асосчиси сифатиди ҳалол меҳнати, илм тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Ўтмишимизнинг чинакам билмидонни, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев олимнинг илмга ва шогирдларига жонқуярилиги, камтар ва покиза инсонлиги ҳақида, тарих фанлари доктори Мирзамурод Мамбетуллаев Қорақалпоғистонда археология мактабининг яратилиши ҳам Яхё Фуломовнинг номи ва фаолияти билан узвий боғлиқлиги, шарқшунос олим Қувомиддин Муниров академикнинг барча соҳани бирдек билладиган қомусий олим

бўлганлиги тўғрисида тўлқинланчи гапирар экан, беихтиёр таъсирланамиз. Ҳамда бугун бутун дунёга кўз-кўз қилиб фахрланадиган жуда кўп тарихий обидаларимиз учун ўтмиш даҳрларидан қарздор эканлигимизни англаймиз. Академик Ўткир Исломов

«ТАРИХ КИТОБЛАРИНИ КЎП ВАРАҚЛАДИМ...»

Мураккаб замоннинг мушкулотлари, тўфонларининг моҳиятини тушуналганини, ёлғиз ўзи уларга қарши кураша олмаслигини билганлиги учун ҳам домла тарих ҳақиқатлариди ўзига ланох, таънч излаган бўлса керак. Эсимда, 1976 йилда бўлиб ўтган «Фан» ўқув-семинарида биз тарих илосмандлари академик Яхё Фуломов билан, ёш математиклар эса академик Саъди Сирожидинов билан учрашган эдик. Семинар якунида фаол қатнашганларга домининг «Самарқанд тарихи» китоби совға қилинган, менга аталганига «Хулқарга, тарихини севинг» де-

ғат дастхат битилганини анча пайтгача «нима учун билинг эмас, «севинг» деб ёзганлар-а», дея ўйлаб юрганларим худди кечагиди ёдимда.

Тарих фанлари доктори Розина Мўминова домининг ҳам илмда, ҳам ҳаётда покдомон ва адолатли инсон бўлгани,

дими тақдор Қоралаб йўл босдим, жарлар ҳатладим, Кўзим хира тортиди, сочи босди қор.

Инсониятдан бойлигини тортиб олиш мумкиндир, лекин тарихи, хотираси, анъаналарини батамом йўқ қилишга ҳеч кимнинг қўриб етмайди. Чунки, тарих — мулқ ҳақ, у даҳисиз. Шу нуктаи назардан қараганда ўзбек археология фанининг асосчиси Яхё Фуломовнинг илмий-ижодий фаолияти ва ҳаёт йўлига бағишланган ушбу мавзулар ёшларимизда ўз халқининг тарихи ва уни суяб турган устуларни билан фахрланиш, унинг маданияти ва анъаналарини билиш, севиш тўғрисида шакллантиради.

Ҳар бир томошабин қалбидан жой олишга эришилган мазкур видеофильм билан танишар эканман, унинг ижодкорлари — журналист Ҳафиззоҳон Ҳайитметова ва режиссёр Қодиржон Саъдуллаевларни мазомига юзланиб амалга оширган хайрли ва савоб ишлари билан табриқлаб, уларга қўсонли муҳлисларнинг ташаккурини билдиргим келди.

Хулқар ҲАМРОҚ

Ҳикматли сўзлар маъноси

МАНИ НАФСИМ БАЛОДУР, ЁНАР ЎТГА СОЛАДУР

Текинхўр, юлғич, таъмагир, очкўз, суқатой, суллоҳ ва нафс бандалари жамиятга доғ тушириб турадиган шахслардир. Юқориди мақолни халқ ана шундай шахслар тилидан тўқиган бўлиб, уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўлайди ва баднафслик ёмон оқибатларга олиб келишини уқтиради. «Мани нафсим балодур, ўтдан сувга солодур»; «Мани

нафсим балодур, ўтдан чўққа солодур»; «Нафсинг ёмони — балонинг қони»; «Олмани олдим — балога қолдим»; «Тотли томоқ томоққа туширади» (томоғ — дўзах. Бу мақол билан: «Тотли томоққа (овкатга) ўрганиб қолган одам арзонга тушадиган бемазароқ овқат озиғи ёқмай, доим тотли томоқ қўйида бўлиб, харом-харишлик билан пул топиш йўлига

«ШАҲРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ» ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши 2004 йил 10 январь соат 10.00 да жамият мажлислар залиди ўтказилди. Мажлисда:

- 1. Хаджаев Бахтиёр Ашурович жамият раиси этиб тасдиқланди.
 - 2. Бошқарув раиси билан Кузатов кенгаши ўртасида меҳнат шартномаси тузилди.
 - 3. Бошқарув кенгаши янги аъзолари этиб: Э.Мўминов, А.Худойназаров, М.Топева, Б.Воҳидовлар тасдиқландилар.
- Кузатов Кенгаши

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV Asliddin RUSTAMOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Allimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey OROV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana») Nomoz SA'DULLAYEV Rahima HAKIMOVA To'lepbergen QAIPBERGENOV Abdug'ani MAMASODIROV (Mas'ul kotib)
MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-57-20 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatir va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ibroqjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasasida chop etildi. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsat bilan amalga oshiriladi. G — 266 12354 nusxada bosildi t — Tijorat materiali Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA